



chiroq

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўзбекистон Ўзбек академияси
раиси БАХОДИР АБДУЛНАБИ НУМИДИНОВ

« 13 » 2018 й.



KAMOLIDDIN BEHZOD NOMIDAGI MILLIY RASSOMLIK VA DIZAYN INSTITUTI

USTAVI

(янги таҳрирда)

14. МИРДИ ёзилганин Узбекистон Республикасининг Конституцияни
Таблим тарзи иштакомли, Кайнар таърихи маддати дачка. Олди 1992
йилинин 14-июнин Узбекистон Республикаси Конституцияни саноатлантилган
харомидан курорига иштакомланарига иштаком Мажлисийн мавридида за
фарзандини оливо зоти мажбуто таъкий изварлигини таштирикчалик
муддатига иштаком. Узбекистон Республикаси Конституцияни
хисобланади. Ошукчи болжадидан ўзбек маддатига мустаҳаб баландига та
шумадиганлари обинча изкориғиши буди мублагтарга ве маддати билимни
сердаб. Узбекистон маддатига яхно оғизи ва мунайсий ходи мумкинларни докуентни
бешта саннини ажасдан шабарумга ташинади. Бунда даръога саннини
бутни муддати.

15. Маддати оғизини бирк мулосаррихие хизоб-китобга бенга, иш
лумадиги волидатидан оғизи расманларга. Узбекистон Республикаси Дарё
тариби расманларни ташинадиган из ўз номи ёнсанни ахлатга шахарни да бойла
бекавиштиришади.

Тошкент – 2018

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сонли ҳамда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти (кейинги ўринларда матнда МРДИ ёки институт, деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида» 1997 йил 23 январдаги 1701-сонли Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Бадиий академиясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 1997 йил 11 мартағи 131-сонли қарори билан ташкил этилган ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкилий тузилмасига киради.

МРДИ аввал Тошкент шаҳар Яkkасарой тумани хокимининг 2001 йил 6 декабрдаги 1465-сонли қарори билан, кейинчалик эса юридик манзили ўзгариши муносабати билан Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2009 йил 7 октябрдан 000413-04 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган.

1.3. МРДИ давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча (ёки фақат асосий) таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик ва илмий-методик, шунингдек, бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

1.4. МРДИ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатлари ва мазкур Уставга амал қиласди.

1.5. МРДИ юридик шахс шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади. Оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари ва мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий хуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан, валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

1.7. МРДИ интернет тизимида ўзининг расмий mrdi.uz сайтига эга.

1.8. МРДИ жойлашган манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси 123-үй; тел: 255-18-33, 255-96-67 факс:255-18-92.

1.9. МРДИнинг расмий номи:

- ўзбек тилидаги тўлиқ номи – Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti;
- қисқача номи – MRDI;
- рус тилидаги тўлиқ номи - Национальный институт художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода;
- қисқача номи - НИХД;
- инглиз тилидаги номи: National institute of Fine Art and design named after Kamoliddin Bekhzod;
- қисқача номи - NIFAD.

II. МРДИнинг асосий мақсад ва вазифалари

2.1. Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тараққиёти йўлида тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш МРДИнинг асосий мақсади ҳисобланади.

2.2. Қуйидагилар МРДИнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

-Институтда давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа ва ўқув фан дастурларига мувофиқ ўқитиш сифатини таъминлаш;

-ўқув жараёнини (амалиёт, стажировка) кадрлар истеъмолчиларининг таклифларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш;

-илм-фан, маданият, техника, технологиялар, иқтисоднинг замонавий ютуқлари, мамлакатнинг иқтисоди ва маданиятининг ижтимоий истиқболини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш услубларини тизимли такомиллаштириш;

-иқтисодиётнинг мувофиқ соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий - педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

-илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан ва маданиятни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараённида фойдаланиш;

-ўқитишининг интерфаол усулларини, инновацион педагогик ҳамда ахборот коммуникацион технологияларини, мустақил таълим олиш, масофавий таълим тизимини амалиётга жорий қилиш;

-шахснинг интеллектуал, ижодий, маданий ва маънавий - аҳлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

-ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

-жамиятнинг аҳлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

-аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш;

-олий таълим соҳасида ўзаро фойдали халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

а). Бакалавриат ва магистратура талабалари:

3.1. МРДИ ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс МРДИнинг бакалавриат ёки магистратура талабалари ҳисобланади. Бакалавриат ва магистратура талабаларига талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчasi берилади.

МРДИга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан касбий (ижодий) имтиҳон, тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

МРДИга қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг хуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, ижодий имтиҳонлар ва тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш хуқуқи таъминланади. Колган абитуриентлар касбий (ижодий) имтиҳон ва тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш хуқуқига эгадирлар. Конунчиликка мувофиқ касбий (ижодий) имтиҳон, тест синовларсиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади

3.2. МРДИ бакалавриат ёки магистратура талабалари қуйидаги хуқуқларга эга:

-фан, техника, санъат ва маданият, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

-институт ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

-бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриклар олиш;

-аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

-таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

-институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

-илмий-ижодий, тадқиқот ишларида, кўргазма, кўрик-танловлар ва илмий конференцияларда қатнашиш ва уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

-институтда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш.

Бакалавриат ва магистратура талабалари сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа хуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз хукуқларини сустеъмол қилмаслиги, бу хукуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

3.3. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талabalар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва микдорда стипендиya билан таъминланадилар.

Талabalар тегишли норматив-хукукий хужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси, Навоий ва Ислом Каримов номидаги Давлат стипендиялари, шунингдек, ўқишига йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш хукуқига эгадирлар.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талabalар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида” Низомларни тасдиқлаш ҳақида 2017 йил 20 июндаги 393-сонли қарорига мувофиқ, ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парваришилаш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

3.5. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талabalарга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечикириш имкони берилади.

3.6. МРДИнинг Талabalар турар жойига муҳтоҷ талabalар олий таълим муассасасининг талabalар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талabalар турар жойларида талabalарга коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар институт томонидан белгиланади. Турар жойга муҳтоҷ талabalар мавжуд бўлган ҳолда, олий таълим муассасасининг талabalар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишуввлар)га рухсат берилмайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқув шаклида таълим олаётган талabalарга ўқишдан бўш вақтларида институтнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат берилади.

3.7. МРДИдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра талabalар сафидан четлаштирилган талаба, талabalар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишига тикланиш хукуқига эга.

Илгари олий таълим муассасасидан маъмуриятнинг ташабbusи билан четлаштирилган шахсларни, барча ўқув шакллари бўйича талabalар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

МРДИнинг талabalари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида институтдаги бошқа таълим йўналишига ва бошқа олий таълим муассасаларига ўқишиларини кўчириш (ўқишига қайта тикланиш) хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси худудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талabalарни МРДИга ўқишини кўчириш (ўқишига тиклаш) мумкин эмас.

Талabalар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3.8. МРДИ талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда МРДИнинг Уставига, Ички тартиб қоидалари ва Талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиши вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

3.9. Ушбу Устав ва олий таълим муассасасининг Ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда талабага нисбатан қуийдаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан четлатиш.

Талаба олий таълим муассасасидан қуийдаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишининг бошқа таълим муассасасига қўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизомини ва институтнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ё) ўқиши учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- з) вафот этганлиги сабабли

МРДИ маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 14-банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, институт Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йигма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти - ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти - ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечикирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин эмас.

Касаллик пайти талаба (ёки унинг ота-онаси) ариза ва тегишли маълумотномалар билан, одатда, бир ҳафтадан кечикирилмасдан институтга маълум қилинади.

3.10. МРДИда таълимнинг ишлаб чиқаришдан ажralмаган ёки ажralмаган ҳолдаги ўқув шаклларида муваффақиятли ўқиётган талабаларга уларнинг иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг тегишли моддаларида

назарда тутилган имтиёзлар (маош сақланган ёки сақланмаган ҳолда қўшимча таътил, институт жойлашган манзилга бориш ва келиш учун йўл хақи ва бошқалар) берилади.

б) Тингловчилар:

3.11. МРДИ қошида малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти (маркази, факультети)да ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича институтда мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиши шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

в) Таянч докторантура, докторант, мустақил изланувчилар:

3.12. МРДИнинг таянч докторантура, докторантлари ва мустақил изланувчилари бўлиб, улар муайян йўналиш бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ва тегишли илмий даражани олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Таянч докторантура- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чукур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Докторантура- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чукур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Мустақил изланувчи-ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чукур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун ОТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

3.13. МРДИ докторантурасига олий маълумотли мутахассис дипломига ёки магистр даражасига эга бўлган, илмий изланиш олиб бориш қобилиятини намоён эта олган шахслар уч йиллик муддатга қабул қилинадилар.

Докторантурага қабул қилиш, шунингдек, олий таълим муассасасига мустақил изланувчиларни бириттириш ҳамда таянч докторантура, докторантлар ва изланувчиларга диссертация устида ишлайтганликлари учун имтиёзлар бериш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ амалга оширилади.

г) МРДИнинг профессор - ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий - хўжалик ходимлари (персонали)

3.14. МРДИда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик - техника, маъмурий - хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув - ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Професор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, асистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига асосан киритилди).

3.15. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида” 2006 йил 16 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра Ўзбекистон Бадиий академияси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси билан келишилган ҳолда буйруқ асосида тайинланади ва вазифасидан озод этилади. Факультет декани Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишилган ҳолда таълим муассасаси ректорининг буйруги билан тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

3.16. МРДИнинг профессор - ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари кўйидаги ҳуқуқларга эга:

-белгилangan тартибда институт ва факультет кенгашларига сайлаш ва сайданиш;

-институтнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

-институтнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

-ўқитишининг услуг ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

-институт маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгилangan тартибда мурожаат қилиш;

-қонунчиликда белгилangan тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 2016 йил 26 октябрдаги 362-сонли қарори талаблари асосида ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлиқ асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);

-хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

- ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

-назарий билимларини, амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

- талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

-Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа хуқуқлардан фойдаланиш.

3.17. МРДИнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари кўйидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва технология интизоми, муассаса Устави, Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

- иш жараёнида мулоқот қиласидаги муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфөъл муносабатда бўлиш;

- иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий, ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан, дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда;

д) Институт Кенгаши томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

е) ижодий ишлар яратиш ва уларни кўргазма, танловларда намойиш этиш;

ё) ўз малакасини мунтазам равишида ошириш;

-меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

-муассасанинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

-иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

-муассаса жамоатчилик ишларида қатнашиш;

-педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

-замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

-чет тили ва ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириб бориш;

-таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

-“Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига биритирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

-ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;

- кийиниш маданиятига риоя этиш;

-республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

-муассаса, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

-ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

-дарсларни юқори савияда ўтиш;

-фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

-ҳар ўкув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўкув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

-рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

-талабалар билимини холисона баҳолаш;

-янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;

-илмий-ижодий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

-талабалар илмий-ижодий ва тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

-олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш;

3.18. Муассаса профессор-ўқитувчи ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларига мувофиқ ташкил қилинади.

3.19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сонли қарорига асосан, МРДИ раҳбарияти олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари таркибини уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

3.20. МРДИнинг маъмурий-хўжалик, мухандислик-техника, ўкув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг хукуқ ва мажбуриятлари олий таълим муассасасининг Ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар

4.1. МРДИ қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўкув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

Бакалавриат таълим шакли ва йўналишлари:

- Кундузги (ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда) ўқув шаклида

5210800 - Рангтасвир:

Дастгоҳли рангтасвир;
Маҳобатли рангтасвир;
Театр-безак рангтасвири;
Фильмнинг тасвирий ечими;
Мультфильм ва компьютер мультипликацияси.

5211000-Графика:

Дастгоҳ ва китоб графикаси;
Хаттолик ва миниатюра.

5211200-Амалий санъат:

Бадий кулолчилик;
Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш;
Амалий санъат асарларини таъмирлаш.

5211100- Ҳайкалтарошлиқ:

Ҳайкалтарошлиқ (турлари бўйича)

5210900-Дизайн:

Реклама ва амалий графика;
Компьютер графикаси ва бадий фото
Интерьерни лойиҳалаш;
Либослар дизайнни ва газламалар бадий ечими;

5210200-Санъатшунослик:

Тасвирий ва амалий санъат.
Музей педагогикаси;
Музейшунослик; музей предметлари экспертизаси, консервациялаш
ва таъмирлаш;
Музейшунослик; музей менежменти ва маданий туризм

5111050 - Касб таълими (бакалавриат таълими йўналишлари
бўйича):

Рангтасвир (дастгоҳли)
Дизайн (интерьерни лойиҳалаш)
Дизайн (либос дизайнни)

б) Сиртқи (ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда)

5151901 -Музейшунослик: музей предметлари экспертизаси, консервациялаш
ва таъмирлаш

в) Иккинчи мутахассислик *кундузги ва сиртқи* (ишлаб чиқаришдан ажralган
ва ажralмаган ҳолда) ўкув шаклида:

5150208-Музей менежменти ва маданий туризм

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида" 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарорига мувофиқ МРДИ ва Таиланддаги Чанапатана халқаро Дизайн институти ўртасидаги ҳамкорлик бўйича тузилган меморандумга асосан қўйидаги таълим йўналишлари бўйича қўшма таълим дастурлар асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш ва икки томонлама тан олинадиган диплом бериш амалиёти жорий этилган:

5150904-Дизайн (интерьерни лойиҳалаш)

5150904-Дизайн (либос ва газламалар)

Магистратура мутахассисликлари:

5А210204-Тасвирий ва манзарали амалий санъат;

5А211600-Музейшунослик: консервация ва бадиий бойликларни сақлаш;

5А210801-Дастгоҳли рангтасвир;

5А210802-Маҳобатли рангтасвир;

5А210803-Театр-безак рангтасвири;

5А210804-Фильмнинг тасвирий ечими;

5А210902-Реклама;

5А210903-Интерьерни лойиҳалаш;

5А210906-Либослар дизайнни ва газламалар бадиий ечими;

5А210911-Компьютер графикаси ва бадиий фото;

5А211001-Дастгоҳ ва китоб графикаси;

5А211003-Хаттотлик ва миниатюра;

5А211201-Бадиий кулолчилик;

5А211203-Амалий санъат асарларини таъмирлаш.

5А211205-Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш;

5А140901-Касб таълими (5А210906-Либослар дизайнни ва газламалар бадиий ечими;

5А140901-Касб таълими (5А211101-Ҳайкалтарошлиқ);

5А140901-Касб таълими (5А210801-Дастгоҳли рангтасвир)

Бадиий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишган ҳолда институтдаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

4.2. МРДИ таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: **бакалавриат ва магистратура.**

Бакалавриат – қундузги ва сиртқи таълим йўналиши бўйича фундаментал, назарий ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавриат – сиртқи иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалавриат таълим йўналишининг 2-курсидан (ўкув режалардаги фанлар фарқидан қатъий назар) ўқишга қабул қилинувчи ҳамда ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган бити्रувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура – йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал, назарий ва амалий билимлар берувчи, бакалавриат негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битириларга давлат аттестацияси якунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» академик даражаси, давлат намунасидаги диплом ва унинг иловаси берилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғуланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш хуқуқини беради.

Бакалаврлар ва Магистрлар тайёрлашга қўйиладиган умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори билан белгиланади.

Аниқ мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган магистратура мутахассислари малака талаблари билан белгиланади.

Бакалавр ва Магистрнинг касбий фаолият соҳаси ва тури, билим, малака ва кўнникмасига қўйиладиган талаблар, шунингдек ўкув фанлари дастурининг тузилиши ва таркиби, уни амалга ошириш механизmlари ва таълим сифатини назорат қилиш муайян таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари орқали белгиланади.

Бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги малака талаблари асосида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўкув режа ва ўкув фан дастурлари ишлаб чиқилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғуланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш хуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

4.3. МРДИда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўкув режалари ва фанларнинг дастурлари, олий таълим муассасаси ректори (ўкув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўкув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуга ва воситаларни танлаш йўли билан институт талabalарига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитлар яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Институтнинг ижтимоий - иқтисодий ва гуманитар фанлар кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талabalар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини

мувофиқлаштириб бориш маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

4.4. МРДИда ўқув машғулотларининг қўйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, якка машғулот, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битириув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 45 (ёки 40 минутлик танаффусиз қўшма маъруза) дақиқалик академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек ҳамда рус тили ҳисобланади.

4.5. МРДИда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

4.6. МРДИда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битириувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом”га асосан битириувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

4.7. МРДИда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ таянч докторантураси (PhD), докторантураси (DSc) ва мустақил изланувчилар фаолияти қўйидаги мутахассисликлар бўйича олиб борилади:

1.17.00.01 – Санъат назарияси ва тарихи;

2.17.00.04 – Тасвирий ва амалий безак санъат;

3.17.00.05 – Дизайн назарияси ва тарихи;

4.17.00.06 – Музейшунослик: тарихий маданий обьектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш;

5.17.00.07 - Маданият назарияси ва тарихи. Маданиятшунослик.

Институт хусусиятидан келиб чиқиб, Олий Аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати”га олий таълимдан кейинги таълим доирасида мутахассислик йўналишлари бўйича таклиф бериши мумкин.

4.8. МРДИ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сонли қарорига мувофиқ, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетида ходимлар учун қўшимча касбий таълим дастурлари амалга оширилади. Малака ошириш ва касбий қайта тайёрлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- рангтасвир;
- графика;
- дизайн;
- амалий санъат
- ҳайкалтарошлиқ;
- санъатшунослик;
- музейшунослик.

Қайд этилган мутахассисликлар бўйича 1 ойлик (144 соат) қисқа муддатли пуллик касбий курслар ташкил этилган. Таълим якунига кўра ўтилган фанлар юзасидан тест синовлари ўтказилади ҳамда битирув малакавий иши ҳимоя қилинади. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетида ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат ҳамда диплом берилади.

4.9. МРДИ Кенгашининг режалар бўйича бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, магистрлар, таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-ижодий ва тадқиқот ишларини олиб боради.

МРДИда “Илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш” бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли қарори асосида ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинма тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 5 июлдаги 594-сонли буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилган.

“Илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш” бўлими Низом асосида институт хусусиятини инобатга олган ҳолда, илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича шартномалар тузиш ҳамда уларни ижро этиш хуқуқига эга.

Илмий-тадқиқотлар ва ижодий ишлар қўйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;
- шартнома, хўжалик шартномалари асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари;
- институтнинг “Инновацион жамғарма”си Низомига мувофиқ жамғарма маблағларини шакллантириш, бошқариш ва фойдаланиш тартиби асосида.

4.10. МРДИда масофадан туриб ўқитиши тизими мавжуд бўлиб, унда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ушбу услубдаги таълим пуллик асосда йўлга қўйилиб, ўкув дастурини муваффақиятли тугаллаган тингловчига сертификат бериш кўзда тутилган. Шунингдек, институтда пуллик тайёрлов курслари ҳам ташкил этилиб, тингловчиларга институтда мавжуд ихтисосликлар юзасидан таълим ташкил этилиши назарда тутилган.

V. Институтнинг таркиби

5.1. МРДИнинг таркибига қўйидагилар киради:

а) Факультетлар:

1. Тасвирий санъат факультети
2. Амалий санъат факультети
3. Санъатшунослик факультети
4. Дизайн факультети
5. Музейшунослик факультети
6. Малака ошириш факультети

б) Кафедралар

- Бадий кулолчилик;
- Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш;
- Амалий графика;
- Ҳайкалтарошлиқ;
- Чизматасвир;
- Дастигоҳли рангтасвир;
- Маҳобатли рангтасвир;
- Театр безаги рангтасвири;
- Миниатюра ва китоб графикаси;
- Дизайн;
- Либос дизайнни;
- Педагогика ва касбий таълим;
- Тасвирий санъат тарихи ва назарияси;
- Музей иши ва маданий мерос;
- Музей предметларининг экспертизаси ;
- Информатика ва менежмент;
- Тиллар ва адабиёт;
- Ижтимоий фанлар.

в) Илмий - ижодий лабораториялар:

- Рангтасвир техника ва технологияси лабораторияси;
- Оффорт лабораторияси

г) Ўқув устахоналар

- Қулолчилик ўқув устахонаси;
- Ҳайкалтарошлиқ ўқув устахонаси;
- Компьютер графикаси ва бадий фото ўқув устахонаси;
- Меъморий ва амалий санъат асарларини таъмирлаш ўқув устахонаси;

- Тошбосма ўқув устахонаси;
- Линогравюра ўқув устахонаси;

Ўқув устахоналари - Бадиий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда институтда ўқув устахоналари ташкил этилган. Ўқув устахонасига юқори илмий-ижодий салоҳиятга эга бўлган профессорлар, Ўзбекистон Бадиий Академияси академиклари, Халқ рассомлари раҳбарлик қилиши мумкин.

Ўқув устахоналарида бир гуруҳ таркибидаги талабалар сони 6-11 нафардан ошмаслиги кўзда тутилган. 2-, 3- ва 4- курслар таркибидан талабалар бир ўқув устахонасига бириктирилиб, ўқув машғулотлари ҳам бир вақтнинг ўзида ўтказилади. Шу билан бирга ҳар бир курснинг ўқув дастурида келтирилган тақвимий (календар) режа асосида машғулотлар олиб борилади. Ўқув устахоналари бакалавриат ва магистратура босқичида фаолият кўрсатади.

д) Маъмурий бошқарув, хизмат бўлимлари ва марказлари:

I. Ректорат.

1. Ректор.
2. Ўқув ва тарбия ишлари бўйича проректор.
3. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
4. Институт Кенгashi котиби.
5. Бош муҳандис.
6. Матбуот котиби.
7. Юрисконсульт.
8. Котиб-иш юритувчи.

II. Хизмат бўлимлари

1. Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими
 2. Мониторинг ва ички назорат сектори.
 3. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими
 4. Ўқув-методика бўлими.
 5. Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими.
 6. Илмий тадқиқот, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сектори.
 7. Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш сектори
 8. Режа-молия бўлими.
 9. Бухгалтерия
 10. Ходимлар бўлими.
 11. Девонхона ва архив.
 12. Халқаро ҳамкорлик бўлими
 13. Магистратура бўлими
 14. Сиртқи бўлим
-
15. Ахборот технологиялар маркази:
 - а) Ахборот тизимларини жорий этиш бўлими;

- б) Тармоқларни бошқариш бўлими.
- в) Техник қўллаб-кувватлаш бўлими
- г) Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими

16. Ахборот-ресурс маркази:

- а) Илмий-услубий ва ахборот маълумот (даврий нашрлар) бўлими
- б) Ахборот-кутубхона ресурсларини бутлаш, катологлаштириш ва тизимлаштириш бўлими
- в) Ахборот-кутубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш бўлими (абонементларга хизмат кўрсатиш, ўқув заллари ва китоб сақлашни инобатга олган ҳолда)
- г) Электрон ахборот ресурс бўлими
- д) Хорижий ахборот кутубхона ресурслари билан ишлаш бўлими

17. Ўқув-ёрдамчи соҳа ходимлари.

- 18. Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими.
- 19. Ўқитишининг техник воситалари бўлими.
- 20. Техник- фойдаланиш ва хўжалик бўлими.
- 21. Талабалар турар жойи.

Бундан ташқари институт қошида:

1. Институт касаба уюшмаси;
2. Институт Жамоатчилик Кенгаши;
3. Институт Мураббийлар Кенгаши;
4. Васийлик Кенгаши;
5. Фахрийлар Кенгаши;
6. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи институт Бошланғич ташкилоти;
7. Институт Хотин-қизлар Кенгаши;
8. Ёшлар маданият маркази;
9. Лойиҳалаш- конструкциялаш бўйича ёшлар маркази.

Маъмурий-бошқарув ва хизмат кўрсатиш бўлимлари, марказлар ўз фаолиятларини тегишли Низом ва қоидалар асосида амалга оширади.

Ахборот-ресурс маркази институтнинг асосий таркибий бўлимларидан бири ҳисобланиб, таълим, илмий-тадқиқот, ижод ва тарбия жараёнларини китоблар, хужжатлар, ахборотлар билан тўлиқ ва оператив таъминлайди ва Ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш қоидалари асосида фаолият кўрсатади.

Ахборот-ресурс маркази ўз фаолиятини такомиллаштириш, китоб фондини давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган янги авлод ўқув адабиётлари билан тўлдириб бериш бўйича институт раҳбариятига таклифлар киритиши лозим.

VI. Институтни бошқариш

6.1. МРДИга Ўзбекистон Бадиий академия раисининг тақдимиға биноан қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан

озод этиладиган ректор (кейинги ўринларда – ректор деб юритилади) бошчилик қиласы.

Ректорнинг МРДИни бошқариши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ якка раҳбарлик ва олий таълим муассасасининг кенгаши, Жамоатчилик Кенгаши ҳамда Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғулаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

6.2. МРДИни бевосита бошқариш қонунчиликда белгиланган тартибда тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор институт фаолиятига, шунингдек, институтнинг ички тартиб қоидалари, Олий таълим түғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ институт номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, институтнинг мол-мулкига масъуллик қиласы, турли шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида ташкилотнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректорнинг асосий функционал вазифалари қўйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, норматив-хуқукий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

-МРДИнинг умумий бошқарув фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда қонун хужжатларига мувофиқ МРДИга юкланган вазифалар бажарилишини ташкил қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир хужжатлар ва қарорларга асосан амалга оширилаётган концепция, комплекс дастур ва чора-тадбирларни чуқур ва танқидий таҳлил қилиб бориш;

-МРДИ фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларда белгиланган вазифалар сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўриш;

-Ўзбекистон Бадиий академияси раҳбарияти томонидан берилган топшириқларни бажариш;

-МРДИ мансабдор шахсларининг ваколатларини, уларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

-МРДИ Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишган холда устави ва тузилмасини белгиланган тартибда тасдиқлаш, ижодий, илмий-тадқиқот ва ўқув-методик дастурларни ҳамда йиллик режаларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни бажаришни тизимли ташкил қилиш, МРДИда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

-МРДИ мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг

комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори ижро мониторингини яратиш;

-МРДИ ходим ва хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш белгиланган тартибда тизимли ташкил этилишини назорат қилиш;

-МРДИда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, МРДИда кадрлар захирасини шакллантирилишни назорат қилиш;

-МРДИ ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиш, зарурат туғилганда, тегишли қарорларни Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда қабул қилиш;

-МРДИ мансабдор шахсларининг фаолиятини баҳолаш, уларнинг шахсий ҳисоботларини кенгаш мажлисларида тинглаш, якуний натижалар бўйича зарур чоралар кўриш;

-МРДИ ходимлар ва хизматчиларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш, проректор ва бош илмий котибни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий чоралар кўриш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида қолишининг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги бўйича Ўзбекистон Бадиий академиясига таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш ҳамда алоҳида ўrnak кўрсатган ходимларини Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва рағбатлантиришнинг бошқа турларига тавсия этиш;

-МРДИ мансабдор шахслари ва ходимларининг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларига (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари, деб аталади) риоя қилишларини таъминлаш;

-«Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ МРДИда коррупция ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, уларнинг юзага келиши сабабларини аниqlаш, таҳлил қилиш ва бартараф этишни ташкил этиш;

-МРДИ фаолиятини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини назорат қилиш;

- давлат хизматлари кўрсатишнинг очиқлиги, сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда «Электрон хукumat тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гурух фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни ташкил қилиш, шахсий қабулни мунтазам равища үтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ташкил қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси билан ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш, бунда Бадиий академия раҳбарлари ва ходимларининг фаол иштирокини ташкил қилиш, жисмоний ва юридик

шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

-давлат сирлари ва маҳфий ҳисобланган ахборотлар билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

-МРДИга ажратилган молиявий ва моддий воситаларни белгиланган тартибда тасарруф этиш ва уларнинг белгиланган тартибда сарфланиши устидан назорат юритиш;

-давлатнинг юқори органлари, ижодий, илмий, ўқув муассасалари ва ташкилотларида МРДИ номидан вакиллик қилиш ҳамда унинг манфаатларини химоя қилиш;

-МРДИ профессор-ўқитувчиларини, илмий-педагогик ходимларини ва бошқа ходимларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

-юридик хизмат ходимларини тегишли адлия органи билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

-МРДИнинг профессор-ўқитувчилари, илмий-педагогик ходимлари ва бошқа ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва топшириқлар бериш;

-Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлади ҳамда лавозимидан озод қиласди;

-МРДИ проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятини белгилайди;

-МРДИ ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек, илмий-педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

-МРДИ таркибида кирган ижодий, илмий-тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

-МРДИ ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва қўшимчаларни белгилайди;

-касаба уюшма қўмитаси ёки институтнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда ички тартиб қоидаларини тасдиқлайди;

-МРДИнинг амалдаги қонун хужжатлари ёки вазирлик, шунингдек, Ўзбекистон Бадиий академиясининг норматив-хуқуқий хужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қиласди;

-МРДИда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган институт ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби ва институт ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

-МРДИ Кенгашининг тавсиясига кўра Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда тегишли норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди;

-“Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги низом” талабларидан келиб чиқсан ҳолда институт Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тутатилади;

-МРДИ ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий - методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлиқ бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлиқ бўйича бажариши мумкин эмас.

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6.3. “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ МРДИда институт фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун институт Кенгаши ташкил этилади.

МРДИ Кенгаши таркибига ректор киради ва Кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва институт ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. МРДИ Кенгашининг бошқа аъзолари умумий мажлисда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан институт Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Институт Кенгашининг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

6.4. МРДИда Васийлар кенгаши институтни бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассис-вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилиармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассассаларининг вакиллари киради.

Васийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

6.5. МРДИда касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг институтда сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимларни ваколат органларининг хуқуqlари ва уларга нисбатан институт маъмуриятининг мажбуриятлари қуидагилардир:

6.6. Ходимларнинг ваколатли органи сифатида институт касаба қўмитаси хуқуqlariga riоя қилиш ва уларнинг фаолиятига қўмаклашиш:

-Ходимларнинг манфаатларига тааллуқли бўлган қарорларни қабул қилишдан аввал уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиши;

-МРДИ касаба қўмитасининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар хусусида асосли жавоб бериш;

-Касаба қўмитасига доимий фаолиятини олиб бориш учун алоҳида хона ажратиб, уни зарурий жиҳозлар билан таъминлаш ва қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятлар.

Амалдаги низомларга мувофиқ МРДИда ижодий, илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва институт Кенгаши ўз фаолиятида институт жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

6.7. МРДИнинг факультетини Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинланадиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги Низом”га амал қиласди. Ушбу Низомга мувофиқ Факультет Кенгаши ташкил этилади. Факультет Кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасаси факультетининг Кенгаши тўғрисидаги низом” билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида институт Кенгаши томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қиласди.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги низом” билан белгиланади.

6.8. МРДИ қуидаги ҳуқуқларга эга:

-таълим жараёнини санъат таълими соҳаси бўйича мутахассисларга бўлган талабни назарда тутган ҳолда мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланган Давлат таълим стандартлари, ўкув режа ва ўкув дастурлари асосида олиб бориш;

-ташкилий масалаларни ишлаб чиқиш, меҳнат ва иш ҳақининг профессор-ўқитувчилар, илмий-ижодий ходимлар, аспирант ва талабаларнинг имкониятларидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган рағбатлантирувчи тизимни яратиш;

-профессор-ўқитувчиларга Институт Кенгаши қарорига биноан доцент, профессор унвонларини бериш;

-тасвирий, амалий санъат, дизайн, театр, кино ва санъатнинг бошқа соҳаларидаги ютуқлари ҳамда мутахассис-кадрлар тайёрлашдаги улкан хизматларини инобатга олган ҳолда шахсларга Институт Кенгаши қарори билан “Фахрий профессор” унвонини бериш ва тасдиқлаш;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги Ҳайъат қарорлари ва буйруқларига асосан ўз базасида гимназия, лицей, коллеж, малака ошириш факультетлари, қўшма дипломлар ва бошқа бўлимларни ташкил қилиш;

-Халқаро грантларда иштирок этиш, тажриба алмашиш дастурларини амалга ошириш, халқаро малака ошириш курсларини ташкил этиш;

-мослама асбоб, жиҳозлар (қийматидан қатъи назар, китоб ва бошқа воситаларни балансдан ўтказиш) сотиш, белгиланган тартибга мувофиқ яроқсиз ҳолга келган, эскирган асосий воситаларни балансдан чиқариш;

-таълим-тарбия ишларига зарар етказмаган ҳолда ижарага берилган бино, жиҳоз ва бошқа буюмлардан келадиган даромаддан моддий-техника базасини ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш;

-корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида мутахассислар тайёрлашдан тушаётган маблағларнинг бир қисмидан ижтимоий ривожлантириш, иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш мақсадларида ҳаражат сметалари тузиб фойдаланиш;

-хоналар, иншоотлар, ер майдонлари, техник ва транспорт воситалари, бошқа мол-мулкнинг барча шаклини юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олиш, ижарага ёки бепул фойдаланишга олиш;

-корхона, муассаса, фирма ва жисмоний шахсларга ўзининг ҳар турдаги кўчар ва кўчмас мол-мулкини сотиш, ижарага бериш, бепул муддатли фойдаланишга ёки қарзга бериш;

-белгиланган тартибда банк, бошқа фирма ва корхоналар, шунингдек, жисмоний шахслардан ссудалар, кредитлар олиш;

-белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш, банкларда ҳисоб рақами очиш, юридик шахс хуқуқи билан шўъба корхоналар, филиаллар, бўлимлар, ваколатхоналар ташкил этиш;

-турли ассоциация(бирлашма)ларга бирлашиш, турли мулк кўринишига эга бўлган корхона, жамият ташкилотларига таъсисчи сифатида иштирок этишга хақлидир.

-МРДИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш хуқуқига эга.

-МРДИнинг ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

VII. Молия - хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

7.1. МРДИга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш хуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, институтнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

МРДИ факат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштирилладиган объектлар қаторига киритилган.

МРДИга ажратилган ер майдонлари олий таълим муассасасига муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

7.2. МРДИга жисмоний ва юридик шахслардан совфа, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий объектларга, олий таълим муассасаси фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкий объектларга эгалик қилиш хуқуқи берилган.

7.3. МРДИ мол-мулкни ижарага оловчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш хуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун хужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни институт Кенгашининг розилиги билан тасарруф этиш хуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳаки сифатида олинган маблағлардан фойдаланиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

7.4. МРДИнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиқсан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов - шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

7.5. МРДИнинг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишилган ҳолда қонун хужжатларига мувофиқ таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Институт шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Институт ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солик ва қонунчилиқда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш хуқуқига эга.

МРДИнинг пуллик таълим хизматлари қўрсатиши бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

МРДИ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қиласди.

7.6. МРДИда лавозим маошлари меҳнат шартномаси (битими) тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом” ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. Институт ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларини ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Кўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини олий таълим муассасаси мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчилиқда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Белгиланган маошлар аттестация натижасига кўра фақат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

7.7. МРДИда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият қўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади ва уларни тозалашни ташкил этади.

МРДИ қошидаги тиббий - санитар муассасасига, шунингдек, унинг ҳудудида жойлашган ёки муассасанинг балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат қўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

МРДИнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини куриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. Халқаро ҳамкорлик

8.1. МРДИ Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этади, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар

ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳукуқига эга.

Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий - педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-ижодий ва изланувчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек МРДИнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

- халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;
-Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;

-хорижий шериклар иштирокида институтнинг таркиби бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, кўргазма заллари, техник сарройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш.

-МРДИ халқаро ҳамкорлик доирасида ҳукуқдарга эга: Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро нодавлат ташкилотларга кириш ҳукуқига эга;

IX. Якуний қоидалар

9.1. МРДИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қўйидагиларга жавоб беради:

-унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
-таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;
-таълим жараёни вақтида институтда таълим олувчилар ва ходимларининг хаёти ва соғлиғи;

-таълим олувчилар ва институт ходимларининг ҳукуқ ва эркинликларининг бузилганлиги;

-Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-харакатлар.

9.2. МРДИ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш, тугатиш йўли билан амалга оширилади.

Ректор



Ҳ.Р.Аминов



ЖАМИ

Тикилган ва муҳрланган
Баракла

Ректор


Х.Р.АМИНОВ

Х.Р.АМИНОВ